

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ВА  
ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc 27.06.2017.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

**НАБИЕВ АБДУРАХИМ АБДУХАМИДОВИЧ**

**ДОЛОМИТ ҚЎШИМЧАЛИ ТЕРМИК БАРҚАРОР АММИАКЛИ  
СЕЛИТРА ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Content of the dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD)**

**Набиев Абдурахим Абдухамидович**

Доломит қўшимчали термик барқарор аммиакли селитра олиш  
технологияси..... 5

**Набиев Абдурахим Абдухамидович**

Технология получения термостабильной аммиачной селитры с  
добавкой доломита..... 23

**Nabiev Abdurakhim Abdukhamidovich**

Technology of obtaining thermostable ammonim nitrate with addition of  
dolomite 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 47

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ВА  
ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc 27.06.2017.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

**НАБИЕВ АБДУРАХИМ АБДУХАМИДОВИЧ**

**ДОЛОМИТ ҚЎШИМЧАЛИ ТЕРМИК БАРҚАРОР АММИАКЛИ  
СЕЛИТРА ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Т428 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ахборот-таълим порталида жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Реймов Аҳмед Мамбеткаримович**  
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

**Расмий оппонентлар:**

**Мирзакулов Холтура Чориевич**  
техника фанлари доктори, профессор

**Султонов Боходир Элбекович**  
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

**Етакчи ташкилот**

**Фарғона политехника институти**

Диссертация ҳимояси Умумий ва ноорганик кимё институти ва Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc 27.06.2017.К/Т.35.01 рақамли Илмий кенгашнинг «25» июнь 2019 йил соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60; факс: (99871) 262-79-90 ).

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (4 - рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60.

Диссертация автореферати 2019 йил «11» июнь куни тарқатилди.  
(2019 йил «11» июндаги 4 - рақамли реестр баённомаси).



**Б. С. Закиров**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор

**Д.С.Салиханова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
коғиби, т.ф.д.

**Абдурахимов С.А.**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги Илмий семинар раиси,  
т.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё аҳолисининг ўсиши ва экинга яроқли ер майдонларининг қисқариши жаҳон миқёсида озиқ-овқат муаммосини янада кучайтирмоқда. Шунинг учун қишлоқ хўжалигининг муҳим вазифаларидан бири аҳолини сифатли маҳсулотларга бўлган талабини тўлароқ қондиришдан иборат. Шу сабабли, барча қишлоқ хўжалиги экинларига қўлланиладиган минерал ўғитлар ишлаб чиқариш катта аҳамиятга эга.

Бугунги кунда жаҳоннинг аммиакли селитра (АС) ишлаб чиқарувчи давлатларида олиб борилаётган илмий изланишларда АСнинг истеъмолга доир хоссаларини яхшилайдиган юқори самарали қўшимчалар танлаш ва улар асосида ёпишқоқлиги бўлмаган, термик барқарорлашган АСни ишлаб чиқариш бўйича қуйидаги қатор илмий-техник таклифларни асослаш, жумладан: селитрага танланган қўшимчаларни мақбул оғирлик нисбатларда қўшиш орқали АС доналарининг ғоваклари ҳамда микроёриқларини тўлдириш, натижада селитра доналарининг анча такомиллашган ички юзаси ва тузилишини ҳосил қилишга асосланган кўпгина кристалланиш марказларини яратиш; қўшимчаларнинг АС доналари мустаҳкамлигини ошириши билан бир вақтда тайёр маҳсулотнинг ёпишқоқлигини ҳамда портловчанлик хоссасини камайтиришга таъсирини аниқлаш; яхши физик-кимёвий ва агрокимёвий хусусиятларга эга бўлган термик барқарорлашган АС олиш технологиясини ишлаб чиқиш зарур.

Республикамизда амалга оширилаётган кенг чоралар натижасида АС суюқланмасини маҳаллий оҳак тош билан қайта ишлаш асосида «Navoiyazot» АЖда оҳакли-аммиакли селитра (ОАС) ишлаб чиқариш бўйича муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида «...саноатни юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш...»<sup>1</sup> каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада АСнинг товар сифатини яхшилаш, экспортга мўлжалланган рақобатбардош маҳсулотлар ҳажми ва ассортиментини кенгайтириш, уларнинг таннархини камайтириш каби муаммоларни ечишда маҳаллий доломит қўшимчаларидан фойдаланиб модификацияланган АС олиш технологиясини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта тамойили бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони ва 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ 3983-сон «Ўзбекистон Республикаси кимё саноатини тезкор ривожлантириш бўйича чоралари тўғрисида» ги, 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265 сон «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони

тадбирлари тўғрисида» ги қарорлари шунингдек, мазкур соҳада қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Илмий-техник адабиётларда ноорганик моддалар қўшиш орқали ҳам ёпишқоқлиги бўлмаган, ҳам термик барқарорлашган АС олиш технологияси бўйича ишлар кенг ёритилган. Жаҳонда АСнинг ёпишқоқлигини бартараф этиш муаммоси ҳар хил қўшимчалар – оҳак, бўр, бентонит, каустик магнезит, ортобор кислотаси, диаммонийфосфат, аммоний сульфати ва аммоний сульфати аралашмасидан иборат фосфат-сульфат-боратларни фойдаланиш орқали ечилган (Vincent J.Russo, Фридман С.Д., Гельперин Н.И., Абросимова А.М., Скум А.С., Кириндасова Р.Я., Клевке В.А., Миниович М.А., Олевский В.М., Стрижевский И.И., Brown Marion L). Селитрага энг яхши қўшимча магнезит ҳисобланади. Кўп тоннажли АС таннархини камайтиришда магнезитни маҳаллий хом ашё – доломитга алмаштириш мумкин.

АСнинг портловчилик ҳавфлилиги муаммоси унинг ёпишқоқлик муаммосидан жиддийдир. Европа ва Россияда АС суюқланмасига доломит ёки оҳакни киритиш йўли билан ОАСни ишлаб чиқариш йўлга қўйилган (Kolaczowski A., Biskupski A., Kaljuvee T., Edro E., Цеханская Ю.В., Долгов В.В., Таран А.Л., Жмай Л.А.). Россиянинг «Череповецкий азот» ОАЖда АС суюқланмасига суперфосфор кислотасидан олинган 11% N ва 37% P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> тутган суюқ комплекс ўғитни қўшиб 32% N ва 5% P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> таркибга эга барқарор АС ишлаб чиқариши мисол бўлади (Чернышев А.К., Левин Б.В., Туголуков А.В., Глаголев О.Л., Ильин В.А.). Бунда рўй берадиган қийинчиликлар: фосфор кислотаси фторидан коррозия ва Fe, Al, Mg, Ca тузлари билан қурилмаларнинг тикилиб қолиши ҳисобланади. Шунингдек, суперфосфор кислотаси Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмайди.

Шунинг учун «Navoiyazot» АЖда АС суюқланмасига Марказий Қизилқум фосфорит унини киритиш йўли билан портловчилик ҳавфи бўлмаган азотфосфорли ўғит (АФЎ) олиш усули жорий этилган (Намазов Ш.С., Беглов Б.М., Реймов А.М., Курбаниязов Р.К.).

Маҳаллий хом ашёлар базасини кенгайтириш мақсадида карбонатли бирикмаларни ҳам жалб қилиш мумкин. ОАС олишда кенг қўлланиладиган доломит ҳам истиқболли қўшимча саналади. Шу сабабли термик барқарор ва юқори агрокимёвий самарадорликга эга доломит қўшимчали АСнинг илмий асосларини ва технологиясини ишлаб чиқиш долзарб вазифа ҳисобланади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Умумий ва ноорганик кимё институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИЗ-20170925259 рақамли «Маҳаллий оҳактош ва доломит қўшимчали экспортга мўлжалланган модификацияланган

аммиакли селитра технологиясини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш» мавзусидаги инновацион лойиҳаси доирасида бажарилди.

**Тадқиқотнинг мақсади** аммоний нитрати суюқланмасига маҳаллий доломит минералларини қўшиш асосида термик барқарор аммиакли селитра (АС) олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ҳар хил кон (Навбахор, Шурсу, Қарноб, Кетмончи ва Дехқонобод) доломит унининг (ДУ) кимёвий таркиби ва физик-механик хоссаларини аниқлаш;

аммоний нитрати ( $\text{NH}_4\text{NO}_3$ ) суюқланмасига ҳар хил масса нисбатларда ДУни қўшиш йўли билан ёпишқоқлиги бўлмаган ва термик барқарор доломит қўшимчали АС олиш жараёнини ўрганиш;

доломит қўшимчали ёпишқоқлиги бўлмаган ва термик барқарор АСнинг кимёвий таркиби ва физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш;

дастлабки компонентлар оғирлик нисбати ва ҳароратга боғлиқ равишда доломит-нитратли суюқланмаларнинг реологик хоссаларини тадқиқ этиш;

лаборатория модел қурилмасида доломит қўшилган АС олишнинг режимларини синовдан ўтказиб маҳсулотнинг тажриба намуналарини олиш;

ёпишқоқлиги бўлмаган ва термик барқарор доломит қўшимчали АСнинг ишлаб чиқилган технологиясини «Navoiyazot» АЖда тажриба-саноат синовидан ўтказиш.

**Тадқиқотнинг объекти**  $\text{NH}_4\text{NO}_3$  суюқланмаси, доломит минераллари, доломит уни, доломит-нитратли суюқланма, доломит қўшимчали ёпишқоқлиги бўлмаган ва термик барқарор АС ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети**  $\text{NH}_4\text{NO}_3$  суюқланмасига ДУни киритиш, доломит-нитратли суюқланмаларни сепиш усулида донадорлаш орқали ёпишқоқлиги бўлмаган ва термик барқарор доломит қўшимчали АС олиш, шунингдек тайёр ўғитларнинг физик-кимёвий ва товар хоссаларини ўрганиш жараёнлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Кимёвий, физик-механик, рентгенографик, электрон-микроскопик ва термик таҳлил усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

доломит минералларининг физик-механик хоссаларини аниқлаш натижалари асосида уларни АСга модификатор сифатида қўллаш мумкинлиги исботланган;

$\text{NH}_4\text{NO}_3$  суюқланмасига доломит қўшимчаларини 100 : 3 дан 100 : 45 гача оғирлик нисбатда қўллаш асосида АС доналари мустаҳкамлигини 2-6 баробар ошириши ва ёпишқоқлигини 2-3 баробар камайтириши аниқланган;

$\text{NH}_4\text{NO}_3$  суюқланмасида  $\text{CaMg}(\text{CO}_3)_2$  минералининг парчаланиши натижасида доломитнинг карбонатсизланиши исботланган;

доломит қўшилган селитра суюқланмасини совитишда тоза  $\text{NH}_4\text{NO}_3$  нинг тўғридан-тўғри II→IV га полиморф ўтиши натижасида маҳсулотни сақлаш ва ташиш пайтидаги ҳарорат ўзгаришларида (25-45°C) АС доналари бузилмасдан барқарор қолиши аниқланган;

доломит уни иштирокида  $\text{NH}_4\text{NO}_3$  парчаланишининг бошланғич ҳарорати 211 дан 259°C гача ошганлиги аниқланган;

доломит кўшимчали ёпишқоқлиги бўлмаган ва термик барқарор АС олиш технологияси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

доломит минералларини қўллаш йўли билан яхши физик-кимёвий ва товар хоссаларга эга бўлган таркибида 34% дан кам бўлмаган ва 28% дан кўп бўлмаган N тутган ёпишқоқлиги бўлмаган ва термик барқарор АС олиш технологияси ишлаб чиқилган;

ёпишқоқлиги бўлмаган АС ишлаб чиқаришида четдан келтирилаётган магnezит ва брусит кўшимчаларини маҳаллий хом ашё – доломитга алмаштириш имконияти яратилган;

$\text{NH}_4\text{NO}_3$  таркибига маҳаллий доломит минералини киритиш орқали экспортга мўлжалланган янги турдаги маҳсулот – магнийли оҳакли-аммиакли селитра олиш технологияси ишлаб чиқилган.

«Navoiyazot» АЖ да доломит кўшимчали АСнинг тажриба-саноат синовлари ўтказилиб, жараённинг асосий технологик параметрлари аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Кимёвий ва физик-кимёвий (рентгенографик, электрон-микроскопик, термик) таҳлил натижалари лаборатория тажрибалари ва тажриба-саноат синовлари билан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, доломит кўшилган ёпишқоқлиги бўлмаган ва термик барқарор АС олиш технологиясини яратишга асос солди. Катта илмий аҳамияти шундан иборатки,  $\text{NH}_4\text{NO}_3$  суюқланмасининг ДУ билан ўзаро таъсирлашув механизми очиб берилиши натижасида АС доналарининг ёпишқоқлиги камайиши, мустаҳкамлиги ва парчаланиш ҳароратларининг ошиши ҳамда II→IV полиморф ўтиши барқарорлашиш сабабларини изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти  $\text{NH}_4\text{NO}_3$  суюқланмасига ДУ киритиш, сўнгра доломит-нитратли суюқланмаларни донаторлаш минорасида донаторлаб доломит кўшимчали АС олиш технологияси ишлаб чиқилган. Маҳаллий доломитларни қайта ишлашнинг инновацион технологияларини жорий қилиш орқали селитра сифатини ошириш, экспортга мўлжалланган рақобатбардош маҳсулотлар ҳажмини ва ассортиментини кенгайтириш, таннархини камайитиришга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**  $\text{NH}_4\text{NO}_3$  суюқланмаси ва доломит асосида ёпишқоқлиги бўлмаган ва термик барқарор селитра олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

доломитли селитрага техник шарт Навоий стандартлаштириш ва метрология бошқармаси томонидан тасдиқланган (TSh 00203849-139-2017). Мазкур техник шарт кальций ва магний кўшимчали маҳсулотнинг сифатини ва технологик жараённи назорат қилишга имкон беради;

$\text{NH}_4\text{NO}_3$  суюқланмаси ва доломит уни асосида ёпишқоқлиги бўлмаган АС (таркибида 34% дан кам бўлмаган N) ва термик барқарор АС (таркибида

28% дан кўп бўлмаган N) олиш технологиялари «Navoiyazot» АЖнинг «2020-2021 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати» га киритилган («Navoiyazot» АЖнинг 2019 йил 24 май 5309-сон маълумотномаси). Натижада четдан келтирилаётган магnezитни маҳаллий хом ашёга алмаштириш ҳамда детонацион хоссаси пасайтирилган термик барқарор АС олиш имконини берган;

магний тутган аммиакли селитра олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича VIII-Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида «Navoiyazot» АЖ билан 15-20 сонли хўжалик шартномаси тузилган (2015 йил 19 май санасида №352 рақам билан рўйхатга олинган). Натижада экспортга мўлжалланган оҳакли-аммиакли селитра ишлаб чиқаришини ташкил этиш имконияти яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссияси томонидан чоп этиш тавсия этилган журналларда 7 та мақола, жумладан 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ишнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқотнинг объект ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар тараққиёти устувор йўналишларига мослиги кўрилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, уларнинг амалиётга жорий этилиши баён қилинган, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Оҳакли-аммиакли селитра: олиниши, хоссаси ва унинг қишлоқ хўжалигида қўлланилиши»** Биринчи бобдаги адабиётлар шарҳида АС таркибига турли хил: эркин сувни боғлаш, полиморф ўзгаришлар жараёнига таъсир этувчи, кристалланиш марказларини ҳосил қилувчи қўшимчаларни (карбонатли ва калийли бирикмалар, бир хил катион тутувчи моддалар ҳамда балласт моддалар) киритиш асосида ёпишқоқликни ва портловчанлик ҳавфини бартараф қилишнинг бир қатор усуллари кўриб чиқилган. АСнинг термик барқарорлигини оширувчи қўшимча сифатида ноорганик моддалар: оҳак, бўр, калий хлориди, аммоний сульфати, фосфорит уни, бентонит, гипс, фосфогипс ва бошқа моддалар тавсия этилган. Маълумотлар таҳлили, ҳар хил кондицион қўшимчалар афзаллик ва

камчиликларини ўрганган ҳолда тадқиқотлар учун карбонатли бирикмалар ичидан оҳакдан самаралироқ бўлган минерал – доломит танланди.

Диссертациянинг «Ўзбекистон айрим доломитларининг тавсифи ва тадқиқотнинг физик-кимёвий усуллари» иккинчи бобида Навбахор, Шурсу, Қарноб, Кетмончи ва Дехқонобод конлари ДУнинг дисперс ва кимёвий таркиби ҳамда физик-механик хоссалари келтирилган (1-3 жадваллар). 2-жадвал маълумотларига кўра, Навбахор доломитида 28% СаО ва 25% MgO мавжуд. Шурсу, Қарноб, Кетмончи ва Дехқонобод доломитларида бу кўрсаткичлар мос равишда 31,48 ва 19,17%; 30,02 ва 19,36%; 30,32 ва 19,56%; 30,56 ва 20,41%. ДУ таркибида СаО ва MgO дан ташқари макро- ва микроэлементлар учрайди. Демак,  $\text{NH}_4\text{NO}_3$  суюқланмасига ДУ қўлланилганда АС таркиби ўсимликлар учун зарур бўлган озуқа элементлар билан бойитилади.

### 1-жадвал

#### Ҳар хил конлар доломит унининг дисперс таркиби

Йириклик синфи, мм	Фракциялар чиқими, оғир. %				
	Навбахор	Шурсу	Қарноб	Кетмончи	Дехқонобод
0,5	13,67	9,70	18,68	18,75	27,84
- 0,5 + 0,315	10,98	11,03	24,57	23,64	13,62
- 0,315 + 0,25	5,60	4,48	5,08	6,20	4,01
- 0,25 + 0,16	3,12	8,62	16,50	15,87	16,78
- 0,16 + 0,063	11,73	17,31	11,13	11,32	11,43
- 0,063 + 0,05	54,90	48,86	24,04	24,22	26,32
Дастлабки оғирлик	100	100	100	100	100

### 2-жадвал

#### Ҳар хил конлар доломит унининг кимёвий таркиби

Конлар	Компонентлар миқдори, оғир. %									
	СаО	MgO	SiO <sub>2</sub>	MnO	Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	Na <sub>2</sub> O	K <sub>2</sub> O	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	SO <sub>3</sub>	CO <sub>2</sub>
Навбахор	28,0	24,60	2,14	0,03	0,38	0,17	0,12	0,02	0,20	44,24
Шурсу	31,48	19,17	2,87	0,01	0,32	0,05	0,15	0,03	0,30	45,0
Қарноб	30,02	19,63	2,74	0,01	0,39	0,27	0,10	0,15	0,39	45,40
Кетмончи	30,35	19,56	2,12	0,03	0,36	0,06	0,11	0,16	0,42	45,20
Дехқонобод	30,46	20,41	2,30	0,01	0,31	0,055	0,07	0,08	1,12	45,16

### 3-жадвал

#### Ҳар хил конлар доломит унининг физик-механик тавсифи

Хосса	Кўрсаткичлар				
	Навбахор	Шурсу	Қарноб	Кетмончи	Дехқонобод
Намлик, %	1,0	1,5	1,23	1,38	1,12
Эркин уйма зичлик, г/см <sup>3</sup>	1,26	1,23	1,27	1,25	1,24
Зичлашган зичлик, г/см <sup>3</sup>	2,82	2,80	2,788	2,81	2,79
Қиялик бурчаги, град.	40°02′	41°10′	38°06′	42°14′	39°56′
Сочилувчанлик, сония	18,0	17,76	18,40	19,0	17,92
Гигроскопик нуқта, %	42,10	41,65	39,43	42,0	42,89
Намлик сиғими, %	9,22	8,04	7,50	9,06	8,53
10 %-ли суспензия рН	9,07	8,79	8,67	8,83	8,78

3-жадвал маълумотлари кўрсатади, 1-1,5% намликда ДУ уйма оғирлиги Навбахор доломити учун – 1,26 г/см<sup>3</sup>; Шурсу доломити учун 1,23 г/см<sup>3</sup>; Қарноб доломити учун 1,27 г/см<sup>3</sup>; Кемончи доломити учун 1,25 г/см<sup>3</sup> ва Дехқонобод доломити учун 1,24 г/см<sup>3</sup> га тенг. ДУ намуналарининг табиий қиялик бурчаги қиймати 38-42 градусларни ташкил этади. Уларнинг сочилувчанлиги текис, ҳеч қийинчиликсиз тарқалади. Намлик сифими чегараси – 7,5-9,22%, ундан юқори намликда ушбу хом ашё ўзининг сочилувчанлигини йўқотади. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, 8,67 дан 9,07 гача рН га эга бўлган ДУ NH<sub>4</sub>NO<sub>3</sub> нинг нордонлигини самарали нейтраллайди. Модификациялаштирилган АС намуналарини олиш учун асосий компонент сифатида «тоза» марказдаги NH<sub>4</sub>NO<sub>3</sub> ишлатилди. Солиштириш намуналари сифатида эса доналаштирилган NH<sub>4</sub>NO<sub>3</sub> ва саноат маҳсулоти - 34,6% N ва 0,28% MgO тутган магнетитли АС танланди.


Танланган қўшимчанинг таъсир механизмини ўрганиш мақсадида NH<sub>4</sub>NO<sub>3</sub> суюқланмасини ДУ билан аралаштириш, сўнгра доломит-нитратли суюқланмани доналаштириш минорасидаги жараёнга ўхшаш ҳолатда сепиш йўли билан модификациялашган АС намуналари олинди.

Диссертациянинг «Ўзбекистон доломитлари қўшимчаси билан донадор магнийли оҳакли-аммиакли селитра олиш» учинчи бобида NH<sub>4</sub>NO<sub>3</sub> суюқланмасига АС : ДУ = 100 : 0,5 дан 100 : 45 гача оғирлик нисбатларда доломит қўшиш асосида олинган ёпишқоқлиги бўлмаган ва термик барқарорлашган АСларнинг таркиб ва хоссалари ўрганилган. Доломитни NH<sub>4</sub>NO<sub>3</sub> суюқланмасига қўшишдан олдин 0,25 мм ўлчамгача майдаланди. Экспериментал намуналарни тайёрлаш учун белгиланган миқдордаги тоза NH<sub>4</sub>NO<sub>3</sub> 170-175°Сда суюқлантирилди, ундан кейин суюқланмага ўлчанган ДУ қўшилди. Ҳосил бўлган доломит-нитратли суюқланма 3-10 дақиқа давомида ушлаб турилди, кейин донадорлаш минораси жараёнига ўхшаш ҳолатда сочиш йўли билан донадорланди. Аниқландики, ДУ миқдори ортиши билан доломит-нитратли суюқланманинг кристалланиш ҳарорати пасаяди. Масалан, АС : ДУ = 100 : 0,5 дан 100 : 45 гача нисбатларида (34,78 дан 24,10%-гача N; 0,15 дан 9,32%-гача СаО; 0,12 дан 6,05%-гача MgO) NH<sub>4</sub>NO<sub>3</sub> нинг кристалланиш ҳарорати (t<sub>кристалл.</sub>) дастлабки 165°С дан маҳсулотда 152,1°С гача пасаяди. Яъни, ДУ қўшимчаси NH<sub>4</sub>NO<sub>3</sub> нинг суюқланиш ва кристалланиш ҳароратини кескин пасайтиради, бу ҳолат доломит таркибида эримайдиган компонентлар АС ғоваклари ва микроёриқларида марказий кристаллар ҳосил қилиб суюқланмани қотишини тезлаштириши билан тушунтирилади.


ДУ қўшиб модификацияланган АСнинг асосий хоссалари (доналар ёпишқоқлиги, мустаҳкамлиги, 20↔60°С қиздириш-совитишда кўп қайтарилувчи цикларга термик бардошлилиги, ғоваклиги ва суюқ ёқилгини адсорбцион шимиши) ўрганилди. Аниқландики, ДУ ҳар қандай миқдори селитра доналари ёпишқоқлигини камайтиради, мустаҳкамлиги ва термик бардошлилигини кескин оширади. Ўғит доналари мустаҳкамлиги етарлича юқори (1,88-13,02 МПа) ва қиздириш-совитишда 50 ва ундан кўп цикларга бардош беради. Ёпишқоқлиги бўлмаган АС (таркибида 34% дан кам

бўлмаган N тутган, доналар мустаҳкамлиги ва ёпишқоқлиги эса мос равишда 1,88-2,61 МПа ва 4,17-3,38 кг/см<sup>2</sup> га тенг) олиш учун 100г NH<sub>4</sub>NO<sub>3</sub> га нисбатан ДУнинг миқдори 2г гача бўлиши лозим. Солиштириш учун – ҳеч қандай қўшимчасиз тоза NH<sub>4</sub>NO<sub>3</sub> доналари мустаҳкамлиги 1,32 МПа, магнетит қўшимчали селитранинг мустаҳкамлиги эса 1,58 МПа ни ташкил этади.

Таъкидлаш лозимки, NH<sub>4</sub>NO<sub>3</sub> суюқланмасини ДУ билан аралаштиришда у ёки бу даражада парчаланиш реакцияси жараёни содир бўлади:



Доломит-нитратли суюқланма таркибидаги ДУнинг карбонатсизланиш даражаси текширилди. Натижалар 1-расмда кўрсатилган.



**1-расм. Доломит уни карбонатсизланиш даражаси ўзгаришининг ҳарорат ва таъсирлашув вақтига боғлиқлиги. Оғирлик нисбатлари АС : ДУ: 1=100 : 5; 2=100:15; 3=100:25.**

Эгри чизиқлардан яхши кўринмоқдаки, барча АС : ДМ нисбатларда ва ҳароратларда АС суюқланмасининг карбонатли ДУ билан ўзаро таъсирлашув жараёни дастлабки 30 дақиқада етарлича жадал кетади. Аралашмада ДУ миқдори қанча кўп ёки NH<sub>4</sub>NO<sub>3</sub> масса улуши қанча кам бўлса, ДУ нинг карбонатсизланиш даражаси шунча паст бўлади. Масалан, агарда АС : ДУ = 100 : 5 нисбатда ва ҳарорат 170 дан 180°C гача кўтарилишида 15 дақиқали таъсирлашувдан сўнг ДУнинг карбонатсизланиш даражаси 41,52 дан 44,85 % гача ортса, АС : ДУ = 100 : 25 нисбатда бу кўрсаткич 28,68 дан 33,30% гача ортади, яъни ўртача 1,5 баробарга пасаяди. Ўғит доналари юқори мустаҳкамликка эришиш учун дастлабки моддаларнинг таъсирлашув вақти 10 ва ундан кўп дақиқа етарли эканлиги аниқланди.

4 ва 5-жадвалларда Навбахор ДУ қўшилган термик барқарорлашган АС намуналарининг таркиби ва хоссалари келтирилган.

## 4-жадвал

## Магнийли оҳакли-аммиакли селитра намуналар таркиби

АС : ДУ оғирлик нисбати	Компонентлар миқдори, оғир. %						
	N	CaO	MgO	CaO <sub>ўзл.</sub> : CaO <sub>ўмум.</sub>	MgO <sub>ўзл.</sub> : MgO <sub>ўмум.</sub>	CaO <sub>сув.эр.</sub> : CaO <sub>ўмум.</sub>	MgO <sub>сув.эр.</sub> : MgO <sub>ўмум.</sub>
NH <sub>4</sub> NO <sub>3</sub> “тоза”	35,0	-	-	-	-	-	-
0,28% MgO қўшимчали АС	34,5	-	0,28	-	-	-	-
100 : 3,0	32,52	0,82	0,60	44,28	37,51	14,09	11,20
100 : 5,0	32,84	1,35	0,97	41,07	33,79	12,57	10,45
100 : 10	31,33	2,58	1,83	37,12	30,65	11,65	9,04
100 : 15	29,95	3,66	2,64	32,65	28,48	10,40	8,38
100 : 20	28,72	4,70	3,35	29,74	24,37	9,28	7,13
100 : 25	28,0	5,61	3,89	24,89	20,92	8,34	6,21
100 : 30	26,48	6,47	4,62	21,41	18,16	6,81	5,0
100 : 35	25,54	7,29	5,16	17,83	15,04	5,70	4,18
100 : 45	24,10	9,32	6,05	16,53	13,66	4,45	3,06

## 5-жадвал

## Магнийли оҳакли-аммиакли селитра намуналари хоссалари

АС : ДУ оғирлик нисбати	Доналар мустах- камлиги, МПа	Доналар ёпишқок- лиги, кг/см <sup>2</sup>	Доналар ғовак- лиги, %	Доналар дизель мойини шимиши, гр.	Доналар сувда эриш вакти, сония
NH <sub>4</sub> NO <sub>3</sub> “тоза”	1,32	5,62	22,0	4,82	44,60
0,28% MgO қўшилган АС	1,58	4,67	9,10	4,33	46,80
100 : 3	3,44	3,29	8,43	3,17	57,71
100 : 5	4,13	3,10	8,09	2,96	59,56
100 : 10	4,86	2,93	7,78	2,81	60,83
100 : 15	5,28	2,75	7,50	2,60	61,16
100 : 20	6,60	2,58	7,16	2,44	63,17
100 : 25	7,98	2,37	6,87	2,25	65,38
100 : 30	8,89	2,16	6,61	2,08	66,56
100 : 35	10,44	2,0	6,25	1,89	67,85
100 : 45	13,02	1,81	5,90	1,67	71,08

Ундан кўринмоқдаки, NH<sub>4</sub>NO<sub>3</sub> суюқланмасида ДУ қўшимчаси миқдорининг ортиши бир томондан маҳсулотларда N миқдорини камайтирса, бошқа томондан CaO ва MgO миқдорини оширади. Масалан, АС : ДУ = 100 : 3 оғирлик нисбатида маҳсулотда N миқдори 32,52% дан АС : ДУ = 100 : 25 да 28% гача, АС : ДУ = 100 : 45 да эса 24,1% гача камаяди. Бунда CaO ва MgO миқдорлари 0,82 ва 0,60% дан мос равишда 5,61 ва 3,89%, 9,32 ва 6,05% гача ортади.

Энг асосийси, 170-175°С да селитра суюқланмаси ДУни фаоллаштиради, яъни ундаги CaO ва MgO нинг ўзлашмайдиган шаклини ўзлашадиган шаклга ўтказди. Фаоллаштиришнинг моҳияти шундан иборатки, NH<sub>4</sub>NO<sub>3</sub>

суюқланмаси доломит минерали –  $\text{CaMg}(\text{CO}_3)_2$  билан реакцияга киришиб унинг сувда эрувчан  $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2$  ва  $\text{Mg}(\text{NO}_3)_2$  тузларини ҳосил қилади, натижада  $\text{CaO}$  ва  $\text{MgO}$  нинг ўзлашувчан шакли микдорлари ошади. Масалан, киритилаётган кўшимчанинг микдорига боғлиқ равишда (АС : ДУ = 100 : 3-45) маҳсулотларда  $\text{CaO}$  ва  $\text{MgO}$  нинг 2 %-ли лимон кислотаси бўйича ўзлашувчан шакллари нисбий микдори 44,28-16,53% ва 37,51-13,66% оралиғида ўзгаради.  $\text{CaO}$  ва  $\text{MgO}$  нинг ўзлашувчан шакли қийматлари АС таркибидаги доломитли таркибий қисмни самарали кальций-магнийли ўғит деб ҳисоблашга имкон беради.

ДУ улушининг ошиши маҳсулот доналари мустаҳкамлигига ижобий таъсир кўрсатган ҳолда 3,44 дан 13,02 МПа гача оширади (5-жадвал ). ДУ кўшимчали АС доналарининг ёпишқоқлиги 3,29-1,81 кг/см<sup>2</sup> ташкил этади, бу кўшимчасиз селитрага қараганда (5,62 кг/см<sup>2</sup>) деярли мос равишда 2-3 баробар пастдир.

АСнинг портловчилик хоссасини тавсифловчи кўрсаткичлардан бири доналарнинг ғоваклиги ва суяқ ёқилғини адсорбция қилиш қобилияти ҳисобланади. Тоза  $\text{NH}_4\text{NO}_3$  ва магнезит кўшилган АС доналарининг ғоваклиги мос равишда 22,0 ва 9,10 %-ни ташкил этади. 100г  $\text{NH}_4\text{NO}_3$  га нисбатан 3,0 дан 45г гача ДУ кўшиш доналар ғоваклигини мос равишда 8,43 дан 5,90% гача камайтиришга ёрдам беради.

Доналар ғоваклиги кам бўлса, уларнинг ёқилғини шимиш даражаси шунча паст бўлиши лозим. Ушбу вазият ҳақиқатдан ҳам ўзаро боғланган. ДУ кўшимчаси микдорига боғлиқ равишда (АС : ДУ = 100 : 3-45) магнийли оҳакли-аммиакли селитра доналарининг ёқилғини шимиши 100г маҳсулотга нисбатан 3,17 дан 1,67г гача ораликда ўзгаради. У кўшимчасиз  $\text{NH}_4\text{NO}_3$  ва магнезит кўшилган АСда мос равишда 4,82 ва 4,33г тенгдир (5-жадвал).


Шундай қилиб, доналар мустаҳкамлиги қанча юқори бўлса, уларнинг ғоваклиги ва ички солиштира юзаси шунча кам, доналар ичига дизель ёқилғиси шунча кам тушади, ва бунинг натижасида селитранинг детонацияланиш қобилияти шунчалик даражада кам бўлади.

Яна аниқландики, ўрганилаётган магнийли оҳакли-аммиакли селитра доналари магнезит кўшилган АСга қараганда сувда анча секин эрийди (1,5 баробар кам). Демак, селитрада ДУ иштироки доналардан азотнинг аста-секин ажралиб чиқишини таъминлайди.


Магнийли оҳакли-аммиакли селитра намуналарининг рентгенографик, электрон-микроскопик ва термик тадқиқотлари ўтказилди.

2-4 расмларда дастлабки хом ашёлар ва тайёр маҳсулотларнинг рентгенограммалари келтирилган.  $\text{NH}_4\text{NO}_3$  га тегишли 2,26; 2,73; 3,08; 3,96; 4,95 Å интенсив чўққилар (2-расм) ва уларга мос келувчи қийматлар 100; 76; 67; 45 ва 44%, Навбахор ДУ даги  $\text{CaMg}(\text{CO}_3)_2$  га тегишли интенсив чўққилар эса 2,89; 2,19; 1,80; 2,02; 2,40; 1,55 Å (3-расм) ва уларга мос келувчи қийматлар 100; 40; 20; 13; 10% га тенг эканликлари аниқланди.


4-расмда эса тоза  $\text{NH}_4\text{NO}_3$  (2,26; 2,73; 3,08; 3,96; 4,95 Å) ва Навбахор ДУ даги  $\text{CaMg}(\text{CO}_3)_2$  интенсив чўққилари (2,89; 2,19; 1,80; 2,02; 2,40; 1,55 Å) билан биргаликда  $\text{NH}_4\text{NO}_3$  суяқланмаси ва ДУ ўзаро таъсирлашув жараёнида




2-расм. Тоза маркали  $\text{NH}_4\text{NO}_3$  нинг рентгенограммаси.




3-расм. Навбахор кони доломитининг рентгенограммаси.



Оғирлик нисбати АС : ДУ = 100 : 10



Оғирлик нисбати АС : ДУ = 100 : 25



Оғирлик нисбати АС : ДУ = 100 : 45

**4-расм.  $\text{NH}_4\text{NO}_3$  суюқланмаси ва Навбахор кони доломити асосидаги магнийли оҳакли-аммиакли селитра намуналари рентгенограммалари.**

ҳосил бўлган кальций ва магний нитратлари тузларининг мавжудлигини тасдиқловчи мос равишдаги 1,73 1,89; 2,29; 3,09; 3,39 Å ва 2,69; 2,93; 3,29; 4,18; 4,42 Å дифракцион чўққилари кузатилади. Магнийли оҳакли-аммиакли селитра таркибида СаО ва MgO ўзлашувчан шаклларининг ошганлиги, айнан  $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2$  ва  $\text{Mg}(\text{NO}_3)_2$  тузлари ҳосил бўлганлигини тасдиқлайди.

Электрон-микроскопик тадқиқот натижаларини шундан шундай изоҳлаш мумкин, ДУ кўшимчалари кристалланиш марказларини ҳосил қилган ҳолда  $\text{NH}_4\text{NO}_3$  нинг кристаллари ўлчамларини кичрайтиради. ДУ ғовакчалар ва микроёриқларни тўлдирган ҳолда, АС доналарининг анча

такомиллашган ички тузилиш ва юзасини ҳосил қилади. Ушбу фактлар АС доналар мустаҳкамлиги ошишини, уларнинг ёпишқоқлиги ва ғоваклиги камайишини ва дизель ёқилғисини кам шимиши сабабларини тушунтиради.

Термик усулда АСнинг полиморф ўзгаришларга ДУнинг таъсири ўрганилди. NETSCH STA 409 PC/PG (Германияда ишлаб чиқарилган) ускунасида 25 дан 175°C гача – 175 дан 25°C гача ҳарорат оралиғида қиздириш-совитишда намуналарнинг термик таҳлили ўтказилди. Кўрсатдики, тоза NH<sub>4</sub>NO<sub>3</sub> суюқланиши одатда IV→III; III→II; II→I ва I→суюқланма ўзгаришлари орқали кетади. Бунда IV→III полиморф ўтишлар 46°C, III→II – 85°C, II→I – 126°C, I→суюқланма 169°C ни ташкил этади. Магнийли оҳакли-аммиакли селитра намуналари учун ҳам NH<sub>4</sub>NO<sub>3</sub> га хос бўлган, аммо ўтиш ҳароратлари бўйича фарқ қилувчи кетма-кетликдаги 4 модификацион ўзгаришлар кузатилди. NH<sub>4</sub>NO<sub>3</sub> суюқланмасини совитишда суюқланма→I; I→II; II→III ва III→IV ўзгаришлари мос равишда 169; 125; 48 ва 30°C орқали кетади. Магнийли оҳакли-аммиакли селитрани совитишда модификацион ўзгаришлар суюқланма→I; I→II; II→IV орқали кетади. Бунда III фаза ҳосил бўлмайди, II→IV ўтиш III фазани четлайди, бу эса намуналар кристалл панжарасининг кам деформацияси ва уларнинг доналар етарли мустаҳкамлигини таъминлайди (6-жадвал).

#### 6-жадвал

#### Магнийли оҳакли-аммиакли селитранинг модификацион ўтиш ҳароратлари

АС : ДУ оғирлик нисбати	Эгри чизикдаги чўққининг қиймати								
	IV→III	III→II	II→I	I→суюқ	суюқ→	I→II	II→III	III→IV	II→IV
	25 дан 175°C гача қиздириш				175 дан 25°C гача совитиш				
NH <sub>4</sub> NO <sub>3</sub>	46	85	126	169	169	125	48	30	-
100 : 5	54,6	88,3	130,	169,5	159,2	121,1	-	-	45,2
100 : 15	54,9	89,2	130,	169,8	161,6	119,1	-	-	45,1
100 : 25	44,7	90,2	130,	171,4	162,0	118,7	-	-	45,4
100 : 45	54,0	89,9	130,	171,8	162,6	118,2	-	-	45,3

NETSCH STA 409 PC/PG ускунасида магнийли оҳакли-аммиакли селитра намуналарининг дастлабки парчаланиш ҳарорати ва фаолланиш энергияси 25 дан 300°C гача ҳарорат оралиғида аниқланди.

7-жадвалдан кўринмоқдаки, тоза NH<sub>4</sub>NO<sub>3</sub> нинг (қўшимчасиз) дастлабки парчаланиш ҳарорати ва фаолланиш энергияси 211°C ва -915 Дж/г ташкил этади, магнийли оҳакли-аммиакли селитраси намуналарида эса бу кўрсаткичлар мос равишда 247,3-259°C ва -840 ÷ -906,6 Дж/г оралиғида ётади. Шундан маълум бўладики, магнийли оҳакли-аммиакли селитрасини термик парчалаш учун тоза NH<sub>4</sub>NO<sub>3</sub> га нисбатан юқори ҳарорат ва кўп энергия талаб этилади. Бунинг барчаси, доломит унининг АС детонацияланиш қобилятини камайтиришидан далолат беради.

## 7-жадвал

**Магнийли оҳакли-аммиакли селитраси термик парчаланишининг  
дастлабки ҳарорати ва фаолланиш энергияси қиймати**

АС : ДУ оғирлик нисбати	Ўрганилган харорат оралиқлари	Дастлабки парчаланиш харорати, °С	Фаолланиш энергияси, Дж/гр.
«тоза» NH <sub>4</sub> NO <sub>3</sub>	200–300	211,0	-915,1
100 : 5		247,3	-840,6
100 : 15		251,9	-856,4
100 : 25		258,6	-889,5
100 : 45		259,0	-906,6

Тоза NH<sub>4</sub>NO<sub>3</sub> доналари 10 термоциклдан кейин 5% га бузилади, 80 термоциклдан кейин эса тўлиқ бузилади. Таркибида 5% ДУ тутган магнийли оҳакли-аммиакли селитраси доналари эса 30 термоциклдан кейин 5% га бузилади. АС : ДУ = 100 : 25 мақбул нисбатдаги магнийли оҳакли-аммиакли селитра доналар бутунлигини 25 термоциклгача тўлиқ, 100 термоциклдан сўнг эса бузилган 29% га нисбатан бутунлигини 71% гача сақлаб қолади. NH<sub>4</sub>NO<sub>3</sub> суюқланмасида ДУ қанча кўп бўлса, доналар термик бардошлиги шунча юқори бўлади (8-жадвал).

## 8-жадвал

**Магнийли оҳакли-аммиакли селитраси доналарининг 20↔60°С  
қиздириш-совитиш циклларга термик турғунлиги**

Оғирлик нисбати АС : ДУ	Термик барқарорлашган АС доналарининг IV → III- шаклига ўтишида уларнинг синиш миқдори, %				
	10 цикл	25 цикл	50 цикл	90 цикл	100 цикл
«тоза» маркали NH <sub>4</sub> NO <sub>3</sub>	5	21	36	100	–
0,28% MgO қўшилган АС	–	13	27	82	100
100 : 3,0	-	9	21	59	72
100 : 5,0	-	7	18	47	65
100 : 10	-	-	12	30	44
100 : 15	-	-	10	25	38
100 : 20	-	-	9	23	35
100 : 25	-	-	7	20	29
100 : 30	-	-	-	13	25
100 : 35	-	-	-	9	21

9-жадвалда 180°С ҳароратдаги NH<sub>4</sub>NO<sub>3</sub> суюқланмаси рН муҳитига ДУнинг буферли таъсири натижалари келтирилган. Термик парчаланишда қуйидаги исботланган ҳолат инобатга олинадики, NH<sub>4</sub>NO<sub>3</sub> парчаланишини келтириб чиқарувчи сабаблардан бири унинг суюқланмаси кислоталиги ортиши ҳисобланади. ДУ эса NH<sub>4</sub>NO<sub>3</sub> суюқланмаси кислоталилига буферли таъсир кўрсатади. Масалан, 180°С ва 120 дақиқада ушлаб туришда NH<sub>4</sub>NO<sub>3</sub>

суюқланмасининг рН и дастлабки 5,17 дан 2,12 гача пасаяди. Шу вақтда АС : ДУ = 100 : 25 да у 7,21 дан 6,03 гача пасайгани аниқланди. Яъни суюқланмада кучли нордонлашиш жараёни содир бўлмайди, чунки суюқланмада ҳосил бўлган эркин  $\text{HNO}_3$  доломитнинг  $\text{CaMg}(\text{CO}_3)_2$  минерали билан нейтралланиб турилади.

### 9-жадвал

#### Доломит унининг $\text{NH}_4\text{NO}_3$ суюқланмаси рН муҳитига буферли таъсири

АС : ДУ оғирлик нисбати	10 %-ли ўғит эритмаларининг вақтга боғлиқ равишда рН муҳитига таъсири, дақ.								
	0	5	10	20	40	60	80	100	120
«тоза» $\text{NH}_4\text{NO}_3$	5,17	2,70	2,61	2,54	2,43	2,34	2,25	2,19	2,12
100 : 3	6,83	6,36	5,92	5,60	5,41	5,30	5,24	5,18	5,07
100: 5	6,86	6,61	6,43	6,27	6,15	6,0	5,89	5,72	5,56
100: 15	7,05	6,87	6,72	6,58	6,40	6,28	6,16	6,07	5,90
100: 25	7,21	7,12	7,01	6,87	6,69	6,45	6,31	6,19	6,03
100 : 35	7,34	7,20	7,11	7,0	6,88	6,72	6,54	6,36	6,12
100 : 45	7,42	7,28	7,17	7,06	6,90	6,83	6,67	6,48	6,31


ДУ миқдорига боғлиқ бўлмаган равишда ҳароратнинг кўтарилиши АС суюқланмасининг зичлик ва қовушқоқлигини бир хил меъёрда камайтиради. АС : ДУ = 100 : (0,5-35) оғирлик нисбатларида ва ҳароратларда (165-180°C) доломит-нитратли суюқланмасининг зичлик ва қовушқоқлик мос равишда 1,591-1,768 кг/см<sup>3</sup> ва 6,12-10,43 сПз ни ташкил этади ва сочиш усулида донадорлашга яроқлидир.

Олинган натижалар асосида хулоса қилиш мумкинки, ДУ АСнинг физик-кимёвий ва истеъмолчилик хусусиятларини яхшилаш бўйича брусит, магнетит, аммоний сульфати, оҳак, бўр, фосфорит уни, бентонит ва бошқа ноорганик қўшимчалар сингари яхши модификатор саналади. ДУ арзон ва қулай хом ашё материал бўлиб, унинг АС ишлаб чиқаришида иқтисодий жиҳатдан мувофиқлигини белгилайди.

Диссертациянинг «Ўзбекистон доломитлари қўшимчали магнийли оҳакли-аммиакли селитрасининг технологик ишланмалари» тўртинчи бобида ёпишқоқлиги бўлмаган ва термик барқарорлашган АС технологияларининг лаборатория модел қурилмасидаги тажрибалари ва тажриба-саноат синовлар натижалари келтирилган. Бунда олинган ўғитлар таркиб ва хоссалари бўйича лаборатория шароитида олинган маҳсулотларга жуда яқин эканлиги кўрсатилди. Лаборатория тадқиқотлари ва модел қурилмадаги тажрибалар асосида ёпишқоқлиги бўлмаган ва термик барқарорлашган АС олиш жараёнлари технологик режимининг асосий кўрсаткичлари ишлаб чиқилди. Бунда иккита турдаги маҳсулот: ёпишқоқлиги бўлмаган АС учун АС : ДУ нисбати 100 : 1,5 ва термик барқарорлашган АС учун эса 100 : 25 мақбул оғирлик нисбатлари танланди.

«Navoiyazot» АЖда ёпишқоқлиги бўлмаган ва термик барқарорлашган АС олиш технологияларининг тажриба-саноат синовларини ўтказиш учун Навбахор кони доломити (Навоий вил.) ишлатилди. АС суюқланмасини

олиш жараёнининг барча босқичлари мавжуд технологияда амалга оширилди. Фақатгина қўшимча равишда ДУ ни узатиш ва уни АС суюқланмаси билан аралаштириш узели қурилди. ДУ микродозатор орқали шнекли аралаштиргичга берилди, бу ерда АС суюқланмаси билан аралаштирилди. Аралаштириш вақти 3 дақиқани ташкил этди. Сўнгра, доломитли-нитратли суюқланма бир хилдаги оқувчан масса ҳосил қилиш учун гомогенизаторга, ундан кейин дондорлаштиргичга келиб тушди ва дондорлаш минорасида сочилди. Синовлар давомида АС : ДУ = 100 : 1,5 оғирлик нисбатдаги ёпишқоқлиги бўлмаган АСнинг 2,0 тонна ҳамда АС : ДУ = 100 : 25 оғирлик нисбатдаги термик барқарорлашган АСнинг 10 тонна тажриба партиялари ишлаб чиқарилди (5-расм).



**5-расм. Доломит уни қўшилган модификацияланган аммиакли селитра ишлаб чиқаришнинг блок-тизими**

Уларнинг сочилувчанлигини аниқлаш учун 6 ой мобайнида сақлашга кўйилди, натижалар эса маҳсулотлар ўзининг сочилувчанлигини синовнинг барча вақтида тўлиқ сақлаб қолишини кўрсатди.

2017 йилда «Navoiyazot» АЖ магнийли оҳакли-аммиакли селитрасига техник шарт (TSh 00203849-139-2017) ишлаб чиқилди ва Навоий стандартлаштириш ва метрология бошқармаси томонидан тасдиқланди.

Шундай қилиб, АС асосида ишлаб чиқилган ва тавсия этилган минерал ўғит рецептураси юқори истеъмолчилик хоссаларга эга бўлиб, авваломбор, озуқа компонентлари мувозанатлаштирилган, шу орқали юқори агрокимёвий самарадорлик, технологик ва термик ҳавфсиз, юқори мустаҳкамликга эга ҳамда сақлашда ёпишқоқлиги бўлмайди.

## ХУЛОСА

Диссертацияда ёпишқоқлиги бўлмаган ва термик барқарорлашган АСга – ДУни қўллаш орқали модификацияланган АС олиш технологияларини яратиш бўйича долзарб илмий-техник вазифалар ечилган.

Диссертация ишини бажаришда олинган асосий илмий ва амалий натижалар қуйидагилар ҳисобланади:

1. Ёпишқоқлиги бўлмаган АС олиш жараёни  $\text{NH}_4\text{NO}_3$  суюқланмасига уни донадорлашдан олдин ДУ қўшиш орқали амалга оширилади. Қўшимча миқдори 100г  $\text{NH}_4\text{NO}_3$  га нисбатан 0,5 дан 2,0г гача ўзгартирилди. Кўрсатдики, ДУ қўшимчали АСнинг ёпишқоқлиги мос равишда  $4,06 \text{ кг/см}^2$  ва  $3,59 \text{ кг/см}^2$  ташкил этади, бу қўшимчасиз селитрадан ( $5,62 \text{ кг/см}^2$ ) 1,5 баробар камдир. 34% дан кам бўлмаган N тутган, доналар мустаҳкамлиги 2,03-2,45 МПа ва ёпишқоқлиги бўлмаган АС олиш учун 100г  $\text{NH}_4\text{NO}_3$  га нисбатан ДУ миқдори 2г гача бўлиши лозим.

2. 100г  $\text{NH}_4\text{NO}_3$  суюқланмасига нисбатан 3 дан 45г гача ДУ қўшганимизда ўғит доналари мустаҳкамлигини мос равишда 3,44 дан 13,02 МПа гача оширади. Доналар ёпишқоқлиги, ғоваклиги ва дизель мойини шимиши эса мос равишда 3,29 дан 1,81  $\text{кг/см}^2$  гача, 8,43 дан 5,90% гача ва 3,17 дан 1,67г гача камаяди. Бу кўрсаткичлар солиштириш учун олинган тоза  $\text{NH}_4\text{NO}_3$  ва магнетит қўшилган АСда мос равишда 5,62 ва 4,67  $\text{кг/см}^2$ ; 22,0 ва 9,10%; 4,82 ва 4,33г тенг бўлади.

3. Қиздириш-совитиш циклида ( $25-175^\circ\text{C}$  –  $175-25^\circ\text{C}$ ) полиморф ўзгаришларни ўрганиш кўрсатдики, ДУ қўшимчали термик барқарорлашган АСни совитишда модификацион ўзгаришлар суюқланма→I; I→II; II→IV орқали кетади. III фаза ҳосил бўлмайди. 20% ДУ қўшимчали селитра доналар бутунлигини 47 термоциклгача тўлиқ, 100 термоциклдан сўнг эса бузилган 29% га нисбатан бутунлигини 71% гача сақлаб қолишга имкон беради. Шу вақтда тоза  $\text{NH}_4\text{NO}_3$  доналари 10 термоциклдан кейин 5% га бузилади, 80 термоциклдан кейин эса тўлиқ бузилади.

4. Тоза  $\text{NH}_4\text{NO}_3$  нинг (қўшимчасиз) бошланғич парчаланиш ҳарорати ва фаолланиш энергияси  $211^\circ\text{C}$  ва  $-915$  Дж/г ташкил этади, ДУ қўшилган магнийли оҳакли-аммиакли селитра намуналарида эса бу кўрсаткичлар мос равишда  $247,3-259,0^\circ\text{C}$  ва  $-840,6 \div -906,6$  Дж/г оралиғида ётади. Бу шундан далолат берадики, доломит уни АСнинг детонацияланиш қобилятини камайтиради.

5. АС : ДУ мақбул оғирлик нисбатда магнийли оҳакли-аммиакли селитра суюқланмаларининг реологик хоссалари етарлича оқувчанликга эга ва қувурлар орқали ўтказиш, кейинчалик минорада донадорлаш учун имконият яратилади.

6. Модел қурилмада ДУ қўшимчали ёпишқоқлиги бўлмаган ва термик барқарорлашган АС олишнинг мақбул режимлари синовдан ўтказилди. Ўғитларнинг таркиб ва хоссалари лаборатория шароитида олинган маҳсулотларга яқиндир. Ёпишқоқлиги бўлмаган ва термик барқарорлашган АС олиш технологиялари «Navoiyazot» АЖда тажриба-саноат шароитида синовдан ўтказилиб, маҳсулотларнинг жами 12 тонна тажриба партиялари ишлаб чиқарилди. Лаборатория модел қурилмасидаги тажриба ишлари ва «Navoiyazot» АЖдаги тажриба-саноат синовлари натижалари асосида янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришлари технологик тизимларининг босқичлари тавсия этилди.

7. Магнийли оҳакли-аммиакли селитрага техник шарт ишлаб чиқилди ва тасдиқланди (TSh 00203849-139-2017). Дастлабки техник-иқтисодий ҳисоблар кўрсатдики, доломитни четдан келтириляётган магнезитга алмаштирилганда қўшимча таннарни 93% га арзонлашади. Магнийли оҳакли-аммиакли селитра ишлаб чиқаришни ташкил этиш билан эса экспортга мўлжалланган қўшимча қийматли янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятини беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc 27.06.2017.К/Т35.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ ИНСТИТУТЕ ОБЩЕЙ И  
НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ И ТАШКЕНТСКОМ ХИМИКО-  
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**ИНСТИТУТ ОБЩЕЙ И НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ**

**НАБИЕВ АБДУРАХИМ АБДУХАМИДОВИЧ**

**ТЕХНОЛОГИЯ ПОЛУЧЕНИЯ ТЕРМОСТАБИЛЬНОЙ АММИАЧНОЙ  
СЕЛИТРЫ С ДОБАВКОЙ ДОЛОМИТА**

02.00.13 – Технология неорганических веществ и материалов на их основе

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2019**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2017.3.PhD/Т428

Диссертация выполнена в Институте общей и неорганической химии.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу [www.ziyouet.com](#) и Информационно-образовательном портале «Ziyouet» по адресу [www.ziyouet.com](#)

**Научный руководитель:**

**Реймов Ахмед Мамбеткаримович**  
доктор технических наук, старший научный сотрудник

**Официальные оппоненты:**

**Мирзакулов Холтура Чориевич**  
доктор технических наук, профессор

**Султонов Боходир Элбекович**  
доктор технических наук, старший научный сотрудник

**Ведущая организация:**

**Ферганский политехнический институт**

Защита состоится «25» июня 2019 г. в «10<sup>00</sup>» часов на заседании Научного совета DSc 27.06.2017.К/Т.35.01 при Институте общей и неорганической химии и Ташкентском химико-технологическом институте по адресу: 100170, г.Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90; e-mail: [info@icnc.uz](#)

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Института общей и неорганической химии за №4 с которой можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре (100170, г.Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 77-а). Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90.

Автореферат диссертации разослан «11» июня 2019 года (реестр протокола рассылки №4 от «11» июня 2019 года.



**Закиров Б.С.**  
Председатель научного совета по присуждению  
ученой степени, д.х.н., профессор

**Салиханова Д.С.**  
Ученый секретарь научного совета по присуждению  
ученой степени, д.т.н.

  
**Абдурахимов С.А.**  
Председатель Научного семинара при научном совете  
по присуждению ученой степени, д.т.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации (PhD) доктора философии)**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Рост населения и сокращение пахотно-пригодных земель в мировом масштабе ещё более обостряют проблему продовольственного питания. Одним из приоритетных задач сельского хозяйства является полноценное обеспечение населения качественными продуктами питания. В этой связи особое значение имеет производство минеральных удобрений, широко применяемые для всех сельскохозяйственных культур.

На сегодняшний день во многих странах мира, производящие аммиачную селитру (АС) ведутся научные исследования по подбору высокоэффективных добавок, улучшающих её потребительские характеристики. В этом аспекте важной задачей является производство неслёживающейся и термостабильной АС, что связано необходимостью обоснования ряд научно-технических решений, в том числе: заполнение пор и микротрещин гранул АС путем введения выбранных добавок при оптимальных соотношениях, в результате которого создается множество центров кристаллизации, основанное на образовании совершенной поверхности и внутренней структуры гранул селитры; установление влияния добавок на повышение прочности гранул АС с одновременным уменьшением их слёживаемости и взрывопасности готового продукта; разработка технологии получения термостабильной АС, обладающей хорошими физико-химическими и агрохимическими свойствами.

В Республике в результате осуществления широких мер сделаны определенные шаги по производству известково-аммиачной селитры (ИАС) на АО «Navoiyazot» на основе переработки плава АС с местным известняком. В третьем направлении Стратегий действия развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы отмечены важные задачи, направленные на «...развитие высокотехнологичных перерабатывающих отраслей, прежде всего по производству готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на базе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов...»<sup>1</sup>. В этом плане весьма актуальным является разработка технологии получения модифицированной АС с применением добавок из местных доломитных минералов, тем самым улучшение товарного качества АС, расширение объема и ассортимента экспортоориентированных конкурентоспособных продукций, а также снижения их себестоимости.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах» и Постановлениях Президента Республики Узбекистан ПП-3983 от 25 октября 2018 года «О мерах по ускоренному развитию химической промышленности Республики Узбекистан» и ПП-4265 от 3 апреля 2019 года

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах»

«О мерах по дальнейшему реформированию и повышению инвестиционной привлекательности химической промышленности», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в республике VII «Химические технологии и нанотехнологии».

**Степень изученности проблемы.** В научно-технической литературе широко освещены работы по получению как неслёживающейся, так и термостабильной АС путем добавки неорганических материалов. В мире проблема устранения слёживаемости АС решается путём применения различных добавок – известняка, мела, бентонита, каустического магнезита, фосфатно-сульфатно-боратной добавки, представляющую собой смесь ортоборной кислоты, диаммонийфосфата и сульфата аммония (Vincent J. Russo, Фридман С.Д., Гельперин Н.И., Абросимова А.М., Скум А.С., Кириндасова Р.Я. Клевке В.А., Миниович М.А., Олевский В.М., Стрижевский И.И., Brown Marion L). Магнезит считается лучшей добавкой. Для снижения себестоимости крупнотоннажного АС привозной магнезит можно заменить на местное сырьё – доломит.

